

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АЗИМОВ АНВАР ТАИРОВИЧ

**COVID-19 КОМОРБИД БЕМОРЛАРДА ОҒИР КЕЧИШИНИНГ
ЦЕРЕБРОВАСКУЛЯР АСОРАТЛАРИ БИРЛАМЧИ
ПРОФИЛАКТИКАСИ ЁНДАШУВЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Азимов Анвар Таирович

COVID-19 коморбид беморларда оғир кечишининг цереброваскуляроасоратлари бирламчи профилактикаси ёндашувларини такомиллаштириш 3

Азимов Анвар Таирович

Совершенствование подходов к первичной профилактике цереброваскулярных осложнений при тяжелом течении COVID-19 у коморбидных больных..... 25

Azimov Anvar Tairovich

The approaches of optimization for the primary prevention of cerebrovascular complications in severe COVID-19 among comorbid patients..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 54

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АЗИМОВ АНВАР ТАИРОВИЧ

**COVID-19 КОМОРБИД БЕМОРЛАРДА ОҒИР КЕЧИШИНИНГ
ЦЕРЕБРОВАСКУЛЯР АСОРАТЛАРИ БИРЛАМЧИ
ПРОФИЛАКТИКАСИ ЁНДАШУВЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/Tib2462 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tipme.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рахимбаева Гульнора Саггаровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маджидова Якутхон Набиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ковальчук Виталий Владимирович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Етакчи ташкилот:

**С.Д.Асфендияров номидаги Қозоғистон
миллий тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси 51- уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44, e-mail: info@tipme.uz).

Диссертация билан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси 51- уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44, e-mail: info@tipme.uz).

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ кунни тарқатилди.
(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.А. Акилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

Н.Н. Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори,
доцент

Б.Г. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) экспертларининг маълумотларига кўра «инсулт ўлим сабаблари орасида дунёда иккинчи ўринда туради ва 2019 йилда 6,5 миллиондан ортиқ беморлар инсултдан вафот этган».¹ Коронавирус пандемияси бошланганидан бери, COVID-19 билан боғлиқ цереброваскуляр асоратлар ҳақида маълумотлар ортиб бормоқда, ва SARS-Cov-2 вируси ўткир респиратор синдромга сабаб бўлса-да, коронавирус касаллиги нафас тизими шикастланиши белгилари билан чекланиб қолмасдан, турли хил неврологик аломатлар жумладан, цереброваскуляр касалликлар, COVID-19 нинг дастлабки намоёни бўлиши ёки нафас олиш тизимининг бузилиши белгилари билан бирга келиши мумкин. Юрак-қон томир континуумининг коморбид касалликлари фонида оғир COVID-19га чалинган беморларда цереброваскуляр асоратларнинг профилактикаси ёндашувларини такомиллаштириш тиббиёт фанининг клиник неврология соҳасида долзарб муаммоларидан бўлиб ҳисобланади.

Жаҳонда коморбид касалликлари фонида оғир COVID-19 билан оғриган беморларда цереброваскуляр асоратларнинг профилактикаси ёндашувларини такомиллаштиришга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада инфекциянинг оғир ҳолатларида цереброваскуляр асоратларнинг бирламчи профилактикасига ёндашувларни такомиллаштириш орқали COVID-19 билан касалланган беморларни даволаш бўйича тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш, жумладан, юрак-қон томир континуумининг коморбид касалликлари фонида оғир COVID-19 билан оғриган беморларда ўткир цереброваскуляр асоратларнинг таркибий таҳлилини ўтказиш, цереброваскуляр асоратлар учун ўзига хос хавф омилларини аниқлаш ва прогностик қийматини баҳолаш, тромبوпрофилактика ёндашувларини қийсий таққослаш ва такомиллаштириш, коагуляция ва яллиғланиш маркерлари цереброваскуляр асоратларнинг ривожланишидаги ролини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга молик.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни халқаро талабларига мослаштириш, жумладан, COVID-19 оғир кечишида цереброваскуляр асоратлари профилактикасини тўғри мақсадга йўналтирилган ишларни ўтказишга қаратилган ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришда, аҳоли саломатлигини сақлашда «...асосий эътиборни...тиббий профилактикани кучайтиришга қаратиш ва «мақсадли» скрининг ўтказиш чораларини кўриш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан

¹ <https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/the-top-10-causes-of-death>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Фармони

ҳолда, жумладан, юрак-қон томир континуумининг коморбид касалликлари фонида оғир COVID-19 билан оғриган беморларда цереброваскуляр асоратларнинг профилактикаси ёндашувларини такомиллаштириш юзасидан илмий изланишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 30 августидан ПҚ-3925-сон «Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлар ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Baldini et al. (2021) тадқиқотларида SARS-Cov-2 инфекцияси билан касалхонага ётқизилган беморларда церебрал веноз тромбози билан касалланишнинг тахминий даражаси 0,1% ни ташкил этди ва госпитализация қилинган беморларда цереброваскуляр асоратларнинг структурасида 4,2% ташкил этди. Барча ёшдаги COVID-19 билан касалланган 26691 бемор маълумотларига асосланган тизимли мета-таҳлиллар ҳулосасига кўра COVID-19 инфекцияси бўлган беморларнинг 2,2% ишемик инсултга дучор бўлиши аниқланган (Luo et al., 2021). Цереброваскуляр асоратларни ривожланиш механизмлари аксарияти ангиотензинни ўзгартирувчи фермент-2 (ACE-2), яъни SARS-Cov-2 нинг қон томир эндотелияси билан боғловчи омили ва унинг бир қатор ҳодисаларга олиб келадиган триггер функцияси, вазоконстрикция, гипертензия, ҳамда тромбоз томонга қон коагуляциясининг ўзгаришига олиб келади (Aghayari et al., 2021). COVID-19 да гиперкоагуляцияга олиб келувчи «цитокин шторм», персистирловчи яллиғланиш реакцияси ва гипоксия каби хавф омиллари аниқланган (Верткин А. ва бошқ., 2021). Tang et al. (2020) гепарин билан даволанган беморларда гепарин қўлланилмаган гуруҳга нисбатан ўлимни камайтирмаганлигини маълум қилди. Касалхонага ётқизилган COVID-19 билан касалланган барча беморларга паст молекуляр оғирликдаги

гепариннинг профилактик дозаларини қўлланиши тавсия қилинган (Thachil et al., 2020).

COVID-19 билан касалланган беморларда гемостаз хусусиятлари, антикоагулянт қўлланиши клиник-патогенетик ва терапевтик жиҳатлари таклиф этилган (З.Ч. Курбонова ва бошқ., 2021). Янги коронавирус инфекциясини ва унинг когнитив бузилишлари, цереброастеник синдром, цереброваскуляр асоратлар каби постковид неврологик оқибатлари аниқланди (Л. Н. Туйчиев ва бошқ., 2021). Тромбоэмболик асоратлар асосан COVID-19 оғир ва ўта оғир кечаётган беморларда учраши, энг тарқалган тромботик асоратлар бу юрак ва бош мия қон томирлари тромбозларидир, ва улардан 70% дан ортиқ ҳолатлари ўлим билан тугаши Ш.А.Бабаджанова ва бошқ. (2021) томонидан баҳоланган. COVID-19 билан боғлиқ инсультнинг клиник кечишида характерли хусусиятлари ва унинг иккиламчи профилактикаси Атаниязов М.К. (2021) тадқиқотларида тасвирланган.

Мамлакатимизда COVID-19 тромбоэмболик асоратларини олдини олиш, неврологик асоратларни профилактикаси ва давоси, уларнинг хавф омилларни баҳолаш, COVID-инсультнинг эрта тикланиш даврида неврологик етишмовчилик ва когнитив фаолиятлар динамикаси, реабилитациясини такомиллаштириш борасидаги илмий тадқиқотлар қатор муаллифларнинг ишларида қайд қилинган (Туйчиев Л.Н., 2021, Атаниязов М.К., 2021, Рахимбаева Г.С., 2022, Газиева Ш.Р., 2022) аммо, юрак-қон томир континуумининг коморбид касалликлари фонида оғир COVID-19га чалинган беморларда цереброваскуляр асоратларнинг профилактикаси ёндашувларини такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб борилмаган.

Ҳозирги кунда COVID-19 билан касалланган беморларда антикоагулянтларнинг терапевтик ва профилактик дозаларини солиштириш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан цереброваскуляр асоратларни олдини олиш учун COVID-19 билан касалланган беморлар учун оптимал терапияни аниқлаш, антикоагулянт ва антиагрегант терапияси ўтказилган COVID-19 билан касалланган беморларда ишемик инсульт ёки мия веноз тромбозини олдини олиш, юрак-қон томир коморбид ҳолатлари мавжудлиги, тромб ҳосил бўлиш кўрсаткичлари ва яллиғланиш маркерларига қараб, цереброваскуляр асоратларни прогнозлаш ва уларнинг тромбoproфилактикаси ёндашувларини такомиллаштириш зарурияти пайдо бўлди.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АСС-2021-112-сон “Далилга таянган тиббиёт асосида COVID-19ни этиотроп ва патогенетик даволаш моделини ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2021–2022 йй).

Тадқиқотнинг мақсади касалликнинг оғир ҳолатларида цереброваскуляр асоратларнинг бирламчи профилактикасига ёндашувларни такомиллаштириш орқали COVID-19 билан касалланган беморларни даволаш бўйича тавсия ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

юррак-қон томир континуумининг коморбид касалликлари фонида оғир COVID-19 билан оғриган беморларда ўткир цереброваскуляр асоратларини аниқлаш;

юррак-қон томир континуумининг коморбид касалликлари фонида оғир COVID-19да инсулт учун ўзига хос хавф омилларини аниқлаш;

оғир COVID-19 билан оғриган беморларда антикоагулянт ва антиагрегант терапиясининг самарадорлиги омил белгиларининг прогностик қийматини аниқлаш;

оғир COVID-19да ўткир цереброваскуляр асоратларнинг олдини олиш алгоритмини ишлаб чиқиш;

беморларнинг репрезентатив намунасида оғир COVID-19 билан оғриган беморларда инсултнинг профилактикаси турли усуллари самарадорлигини таққослаш.

Тадқиқотнинг объекти. 2020-2022-йилларда “Акфа Медлайн” клиникасида даволанган COVID-19 билан касалланган 580 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида клиник-анамнестик маълумотлар қон зардоби ва радиологик текширувлар ташкил қилинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Клиник-анамнестик маълумотлар (PRIEST COVID-19 score шкаласи, NIHSS шкаласи), лаборатория (Д-Димер, фибриноген, прокальцитонин, ферритин, ИЛ-6, С-реактив протеин, тромбоцитлар сони), инструментал (кўкрак қафаси МСКТси, бош мия МРТси, брахицефал томирлар доплерографияси) ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юррак-қон томир континуум касалликлари фонида COVID-19 оғир кечишида, узок вақт давомида беморларнинг иммобилизацияси, ўпканинг ноинвазив вентиляцияси фонида септик ҳолат ва пансинуситнинг ривожланиши сабабли мия веноз тромбозлари цереброваскуляр асоратлари структурасида ишемик инсултларга нисбатан устунлик қилиши исботланган;

цереброваскуляр асоратлар ривожланиш хавфини балли баҳолаш орқали цитокин шторм, септик ҳолат, персистивловчи яллиғланиш, тромбоз биомаркерлари даражаси билан тромбопрофилактика режимини танлаш орасида коррелляцион боғлиқлик аниқланган;

юррак қон-томир коморбид касалликлари фонида оғир COVID-19 цереброваскуляр асоратларни ривожланишини прогнозлашда яллиғланиш маркерларининг (прокальцитонин, ферритин ва ИЛ-6) аномал даражаси юқори прогностик кўрсаткич эканлиги аниқланган;

COVID-19 оғир кечишида юрак-қон томир коморбид ҳолатлари, коагуляция ва яллиғланиш маркерлари, тромбопрофилактика ўтказилган беморларда цереброваскуляр асоратлар ривожланишининг мутлақ ва нисбий хавфи аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

оғир COVID-19да цереброваскуляр асоратлари ривожланишининг хавф даражасига кўра юрак-қон томир коморбид касалликлари фониди рационал ва самарали тромбoproфилактика схемалари ишлаб чиқилган;

юрак-қон томир континуумининг коморбид касалликлари фониди COVID-19 билан цереброваскуляр асоратларни ривожланиши учун хавф омиллари ва уларнинг абсолют ва нисбий хавфини аниқлаш прогностик шкаласи ишлаб чиқилган;

2019-nCov оғир кечишида турли антикоагулянтларни қўллашда қиёсий таққослаш ўтказилиб яллиғланиш ва коагуляция параклиник маркерларнинг ўзгариши, юрак қон томир континуумнинг коморбид касалликлари мавжудлигига кўра цереброваскуляр асоратларнинг медикаментоз профилактикаси тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги беморларда қўлланилган коронавирус инфекцияси оғирлигини баҳолаш объектив мезонлари, лаборатория ва инструментал диагностиканинг замонавий усуллари ва услубий ёндашувларни тўғри қўллаш, назарий ёндашувлар ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар сони танланганлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, неврологик ва статистик тадқиқот усуллар асосида 2019-nCov оғир кечишида цереброваскуляр асоратлари оптималлаштирилган тромбoproфилактикасининг ўзига хослиги ва прогностик кўрсаткичлари спецификлиги, ҳамда халқаро тажрибалар билан таққослангани, олинган натижалар ва хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўткир цереброваскуляр асоратларнинг таркибий тузилиши, уларнинг ривожланиши ва улар билан боғлиқ бўлган септик ҳолат, цитокин шторм, персистенловчи яллиғланиш, тромбоз маркерлари каби асосий хавф омилларининг роли, оғир 2019-nCovда цереброваскуляр асоратлар ривожланиши хавфини прогнозлашда муҳимлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти оғир 2019-nCov билан оғирган беморларни даволашнинг турли схемалари самарадорлигини таҳлил қилиш, қониқарсиз натижаларнинг асосий сабаблари ва предикторларини аниқлаш, ҳамда цереброваскуляр асоратлари антикоагулянт ва антиагрегант профилактикасининг тактик жиҳатларини оптималлаштириш ва цереброваскуляр асоратларнинг медикаментоз профилактикаси алгоритми оғир 2019-nCov билан касалланган беморларни даволаш натижаларини яхшилаши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тошкент тиббиёт академияси эксперт кенгашининг 2023 йил 20 июндаги 06/010-сон хулосасига кўра (илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Тошкент тиббиёт академиясининг 2022 йил 1 декабрдаги 03-5114-сонли хати юборилган): биринчи илмий янгилик: юрак-қон томир континуум

касалликлари фонида COVID-19 оғир кечишида, узоқ вақт давомида беморларнинг иммобилизацияси, ўпканинг ноинвазив вентилицияси фонида септик ҳолат ва пансинуситнинг ривожланиши сабабли мия венотромбозлари цереброваскуляр асоратлари структурасида ишемик инсултларга нисбатан устунлик қилиши исботланиб, бу ўз навбатида COVID-19 оғир кечишида коморбид касалликлар фонида цереброваскуляр асоратларни барвақт ташхислаш ва профилатикаси заруриятини юзага келтирганлиги, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё филиалининг реанимация ва интенсив терапия бўлимларида буйруқ (16.11.2022й.; №26-Т) билан ва халқаро JCI аккредитациясидан ўтган «Akfa Medline» кўп тармоқли тиббиёт маркази интенсив терапия ва неврология бўлимларида буйруқ (28.11.2022й.; №19-пр) билан амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: COVID-19 оғир кечишида юрак-қон томир коморбид касалликлар фонида профилактика алгоритмини қўллаш орқали цереброваскуляр асоратлар барвақт ташхисланган ва коронавирус инфекцияси тромботик оқибатлар сонини камайтирган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: янги профилактика усулини амалга ошириш ҳажмига нисбатан ўртача йиллик тежаш қиймати: $C_{yil} = ((M_d \times (A_1 - A_2) + K \times (X_1 - X_2)) \times C = ((100000 \times (8-6) + 3000000 \times (14-10))) \times 6 = 73200000$. Бу ерда M_d - антикоагулянт ва антиагрегант профилактикаси ҳажмини танлаш учун диагностика усулининг ўртача нархи; A_1 ва A_2 асосий ва таклиф қилинган вариантларда антикоагулянт ва антиагрегант терапиясини танлашдан олдин текширувлар сони; K - шифохонадаги битта ётоқ-қунининг ўртача нархи; X_1 ва X_2 - асосий ва таклиф қилинган вариантларда беморнинг касалхонада даволанишининг ўртача давомийлиги; C - тавсия этилган M_d ни амалга ошириш ҳажми билан таъминланган тромбопрофилактикани талаб қилувчи прокоагулянт ҳолатларнинг ўртача йиллик сони. Хулоса: таклиф қилинган профилактика усулида кунлик иқтисод қилиш қиймати 200 548 сўм бўлиши аниқланган.

иккинчи илмий янгилик: цереброваскуляр асоратлар ривожланиш хавфини балли баҳолаш орқали цитокин шторм, септик ҳолат, персистив яллиғланиш, тромбоз биомаркерлари даражаси билан тромбопрофилактика режимини танлаш орасида коррелляцион боғлиқлик аниқланганлиги, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё филиалининг реанимация ва интенсив терапия бўлимларида буйруқ (16.11.2022й.; №26-Т) билан ва халқаро JCI аккредитациясидан ўтган «Akfa Medline» кўп тармоқли тиббиёт маркази интенсив терапия ва неврология бўлимларида буйруқ (28.11.2022й.; №19-пр) билан амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: тромбопрофилактика режими яллиғланиш ва тромбоз биомаркерлари билан корреляцион боғлиқлиги антикоагулянт ва антиагрегант терапияси алгоритмини ишлаб чиқиш учун имкон берди, COVID-19 билан касалланган беморларда ногиронлик ва ўлимни камайтиришда рационал ва индивидуал ёндашишга имкон берди. Мазкур алгоритм беморни стационар даволаш

бўйича ва бирламчи тиббий ёрдам шифокорларнинг (УАШ, невропатолог) иш юкини камайтиришга ҳам имкон берди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: оғир COVID-19га чалинган беморларда касалхонада даволаниш муддатини қисқартириш самарадорлигини ҳисоблашда, тромбoproфилактика алгоритми қўлланган гуруҳ ва стандарт даво-диагностик усуллари қўлланилган гуруҳ ўртасида COVID-19 билан касалланган беморларнинг ўртача ётоқ кунлари сонидан сезиларли фарқининг мавжудлиги аниқланган. Тадқиқот ўтказилган клиникада тавсия этилган алгоритм бўйича тромбoproфилактика қўлланилган беморларда тромбoproфилактика алгоритмидан фойдаланилмаган беморларга нисбатан ўртача 3,43 ётоқ кунини тежаш ҳисобига ялғиланиш ва тромбоз маркерларини ўрганиш учун ажратилган маблағлар тежалди. Хулоса: битта оғир кечаётган COVID-19 ҳолатида таклиф қилинган тромбoproфилактика алгоритми стационар давони ўртача 3,43 койко-кунга камайтиради ва 5 145 000 сўмни тежайди.

учинчи илмий янгилик: юрак қон-томир коморбид касалликлари фонидан оғир COVID-19 цереброваскуляр асоратларни ривожланишини прогностлашда ялғиланиш маркерларининг (прокалцитонин, ферритин ва ИЛ-6) аномал даражаси юқори прогностик кўрсаткич эканлиги аниқланиб, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё филиалининг реанимация ва интенсив терапия бўлимларида буйруқ (16.11.2022й.; №26-Т) билан ва халқаро JCI аккредитациясидан ўтган «Akfa Medline» кўп тармоқли тиббиёт маркази интенсив терапия ва неврология бўлимларида буйруқ (28.11.2022й.; №19-пр) билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: COVID-19 ўтказган беморларда гемостаз тизимида, юрак қон-томир коморбид касалликлари фонидан тромботик асоратларни эрта ташхислаш ва адекват антикоагулянт ва антиагрегант терапияси беморларнинг цереброваскуляр асоратларни прогностлаш ва олдини олишга эришилган; таклиф этилган комплекс ёндашувдан фойдаланиш оғир кечаётган коронавирус инфекциясига чалинган пациентларнинг даволаш ва профилактика сифатини яхшилаган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Харажат-самарадорлик коэффициенти (XSK) қуйидагича ифодаланиши мумкин: $XSK = \text{effekt}/\text{xarajat} = \text{Cuil}/Z = 73200000/7430000 = 9,85$. Бу ерда Cuil – амалга ошириш ҳажми учун ҳисобланган диагностика усуллари ўртача йиллик тежаш қиймати; Z - антикоагулянт ва антиагрегант профилактикаси ҳажмини танлаш учун диагностика усулининг жами ишлаб чиқиш, жорий этиш ва амалга ошириш харажатларининг нархи. Хулоса: COVID-19 оғир кечишида таклиф этилаётган усулнинг қўлланилиши натижасида самара (эффект) харажатларга кўра 9,85 баровар афзаллиги аниқланган. Бинобарин хар 1 сўм харажатга 9,85 сўм харажатлари тежалиши кутилади.

тўртинчи илмий янгилик: COVID-19 оғир кечишида юрак-қон томир коморбид ҳолатлари, коагуляция ва ялғиланиш маркерлари асосида тромбoproфилактика ўтказилган беморларда цереброваскуляр асоратлар ривожланишининг мутлақ ва нисбий хавфи аниқланиб, Республика

шошилишчи тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё филиалининг реанимация ва интенсив терапия бўлимларида буйруқ (16.11.2022й.; №26-Т) билан ва халқаро JCI аккредитациясидан ўтган «Akfa Medline» кўп тармоқли тиббиёт маркази интенсив терапия ва неврология бўлимларида буйруқ (28.11.2022й.; №19-пр) билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: госпитализация қилинган SARS-Cov-2 ижобий натижалар беморларни олиб боришда диагностика, профилактика ва прогностик чора-тадбирларини такомиллаштириш, COVID-19нинг ўткир ва эрта реабилитацион даврида ўлим даражасини камайтиришга эришилган. Шунингдек, эрта реабилитацион даврда цереброваскуляр асоратлар ривожланиши хавфи юқори бўлган беморлар орасида 54,4%га касалликдан кейинги реабилитациясига эътибор қаратилган, COVID-19 оғир кечган 91,9% беморларнинг ҳаёт сифати яхшилانган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: цитокин шторм, септик ҳолат, персистив яллиғланиш маркерлари ва гемостаз тизимидаги ўзгаришларни тез, кам харажат ва самарали текширув усулларида фойдаланиш ҳисобига тромботик асоратларни барвақт аниқлаш, COVID-19 оғир кечишида кузатилиши мумкин бўлган цереброваскуляр асоратларнинг олдини олиш орқали кўп харажатли ва кўшимча вақт талаб қилувчи текширув ва даволаш усуллари қўллаш сарф харажатларни камайтиради: Д-Димер, тромбоцитлар сони ва фибриноген кузатилган барча беморларда аниқланди, ферритин 41,7% беморда, ИЛ-6 17,1% беморда аниқланиб, бу ўз навбатида даволаш самарадорлигини 80,48% дан 98,65% га оширган. Хулоса: коронавирус инфекцияси ўткир ва эрта реабилитацион давларида COVID-19 ўтказган беморларда юқорида келтирилган текширув усулларида фойдаланиш 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 118000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3та халқаро ва 2та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, беш боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва келтирилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация матн материали ҳажми 116 бетни ташкил қилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“COVID-19 ва цереброваскуляр асоратлар (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида ўткир коронавирус инфекциясида ишемик инсульт (ИИ) эҳтимоли 0,4% дан 5,5% гача, геморрагик инсульт (ГИ) 0,9% гача, бош мия веноз томирларининг тромбози (ЦВТ) эҳтимоли 0,1% гача деб кўрсатилади. COVID-га боғлиқ инсультнинг олдини олиш антикоагулянтлар ва антиагрегатлар қўллашга асосланади, уларни тайинлашнинг мақсадга мувофиқлиги касалликнинг оғирлиги ва тромб шаклланишининг биомаркерлари билан белгиланади.


Диссертациянинг **“Беморларнинг клиник хусусиятлари ва амалий тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида ўрганилаётган материал ва тадқиқот усуллари келтирилган.

Тадқиқот 2020-йил июн ойидан 2022-йил февралигача Акфа Медлайн клиникасида стационар даволанган 580 нафар оғир COVID-19 беморни даволаш натижаларига асосланади.

Проспектив тадқиқот COVID-19 билан касалланган 983 беморда ўтказилди. Тадқиқотлар учун беморни танлаш дизайни 1-расмда кўрсатилган.

Тадқиқотда COVID-19 ташхиси тасдиқланган жами 983 нафар бемор иштирок этди. Шуниси эътиборга лойиқки, ўпка эмболияси (ЎЭ), ДВС, миокард инфаркти (МИ) каби бошқа тромботик асоратларнинг частотаси ҳам ўрганилди. COVID-19нинг барча тромботик асоратлари таркибида цереброваскуляр асоратлар улуши аниқланди. Агар бемор тадқиқот бошланишидан олдин инсульт ривожланган бўлса, бундай ҳолатлардаги бемор тадқиқотдан чиқарилди.


Тадқиқотнинг учинчи йўналиши оғир COVID-19 билан оғриган беморларни даволашда антикоагулянт ва антиагрегант терапиясининг энг самарали схемаларини тромботик профилактика, шу жумладан цереброваскуляр асоратлар контекстида ўрганиш эди.




1-расм. Тадқиқот учун беморларни саралаш дизайни

Биринчи гуруҳда 191 бемор гепаринни антикоагулянт сифатида кунига 20 000-36 000 ХЕ дозасида қабул қилишди. Иккинчи гуруҳдаги беморлар кунига тана вазнининг килограммига 0,5-2 мг дозада Эноксапаринни қабул қилишди. Учинчи гуруҳдаги беморлар ривароксабанни антикоагулянт сифатида кунига 5-20 мг дозада қабул қилишди. Ўпка эмболияси, миокард инфаркти, тарқалган интраваскуляр коагуляция, транзитор ишемик атака (ТИА), ишемик инсулт (ИИ), мия веноз тромбози (ЦВТ) каби тромботик асоратларнинг частотаси баҳоланди.

Расм 2 ва расм 3да беморларнинг демографик кўрсаткичлари келтирилган.




2-расм. Ҳар бир тадқиқот гуруҳида жинсий тақсимот (n=580).




3-расм. Беморларнинг ўртача ёши (йиллар) (n=580).

Диссертациянинг “Оғир COVID-19да цереброваскуляр асоратларни ривожланишидаги сабаб-оқибат муносабатлари” деб номланган учинчи бобида стандартлаштирилган кўрсаткичлар усули тадқиқот давомида тадқиқот гуруҳларидаги ёш фарқлари антикоагулянт терапия самарадорлигини солиштиришда ва цереброваскуляр асоратлар хавф омилларини баҳолашда статистик жиҳатдан аҳамиятга эга эмаслигини исботлайди ($p < 0.01$). Кейинчалик, антикоагулянт терапия самарадорлигини баҳолаш, хавф омилларини баҳолаш (юррак-қон томир континуумининг коморбид ҳолатлари, яллиғланиш белгилари ва коагуляция белгилари) ўтказилади. Бизнинг тадқиқотимизда тромботик асоратлари бўлган 47 беморнинг 20 нафарида цереброваскуляр асоратлар пайдо бўлди. Яъни, бизнинг ишимизда оғир COVID-19 билан касалланган беморлар орасида цереброваскуляр асоратлар тарқалиши 3,45% ни ташкил этди. Цереброваскуляр асоратлар билан касалланган 20 нафар беморнинг 15 нафари эркак ва 5 нафари аёл эди. Битта беморни ўзида ИИ ва ЦВТ деярли бир вақтнинг ўзида пайдо бўлган ҳолат мавжуд бўлганлиги сабабли, бундай беморлар алоҳида тоифага ажратилган. Охиргиси цереброваскуляр асоратлар ҳолатлари сони цереброваскуляр асоратлар билан касалланган

беморлар сонидан кўпроқ эканлигини тушунтиради. Жами 2 та геморрагик инсулт ҳақида хабар берилган ва иккаласи ҳам антикоагулянт терапия даврида ЦВТ ёки ИИ + ЦВТнинг геморрагик трансформацияси деб аниқланган.



4-расм. ИИ билан касалланган беморларда антикоагулянт қўлланилганлиги (n=10).




5-расм. TOAST таснифи бўйича ИИ подтипларининг тарқалиши (n=10).

Шунингдек, ушбу тадқиқотда ЦВТнинг 11 та ҳолати кузатилди.

1-жадвал. ЦВТ билан оғриган беморларнинг асосий хусусиятлари, n=11.

Ўртача ёши, йиллар	ЦВТ содир бўлган COVID-19 кунни	Веноз синуслар			
		кавернозн, кортикал веналар	каверноз, кўндаланг, юқори сагиттал	каверноз, юқори сагиттал синус	каверноз, юқори сагиттал синус, кўндаланг, сигмасимон
60,18 ±4,72	12,1 ± 6,31	6	3	1	1

ЦВТнинг 11 та ҳолатидан ҳеч бири омон қолмаган.



■ Гепарин ■ Эноксапарин

6-расм. Оғир COVID-19 билан касалланган ва ЦВТ ривожланган беморларда антикоагулянт ишлатилиши (n=11).

Шу аснода, давом этаётган стандарт даволаш фонида оғир COVID-19да тромботик асоратларнинг тарқалиши 8,1% гача ташкил қилади. Беморларнинг 3,45 фоизиди COVID-19нинг оғир кечиши артериал ишемик ва геморрагикдан веноз вариант устунлик қиладиган инсулт ривожланиши билан мураккаблашади. Бизнинг тадқиқотимизда цереброваскуляр асоратлар улуши барча ташхис қўйилган тромботик асоратларнинг 42,6% ни ташкил этди. Халқаро TOAST таснифига кўра, COVID-19нинг оғир

кечишини мураккаблаштирган ИИда 20% ҳолатларда атеротромбоз, 20% ҳолатларда кардиоэмболия асосий рол ўйнайди, 30% ҳолатларда - лакунар инсульт учрайди, 30% ҳолатларда -инсултнинг сабабчи омилини аниқлаб бўлмайди. Бу эса беморларнинг 30% да цереброваскуляр асоратларнинг асосий сабаби инфекция-токсик омил (васкулит) мавжудлигидан далолат беради. COVID-19ни асоратлантирадиган геморрагик инсултлар ЦВТ ёки ИИ + ЦВТнинг геморрагик трансформацияси сифатида юзага келади ва моҳиятан ятрогеникдир, яъни улар антикоагулянтларнинг терапевтик дозаларини қўллаш фонида юзага келади. COVID-19нинг оғир кечишини мураккаблаштирган барча цереброваскуляр асоратларнинг 4,76 фоизида артериал ва веноз ҳавзаларнинг комбинацияланган шикастланишлари (ИИ + ЦВТ) кузатилади. COVID-19нинг цереброваскуляр асоратлари 20 фоизида оғир инсулт 50 ёшга етмаган, 10 фоизида - 35 ёшга етмаган беморларда учрайди.

Оғир COVID-19да ўткир цереброваскуляр асоратлар ривожланиш хавфини оширадиган омиллар:

1. Паст тромбоцит кўрсаткичлари, $100 \cdot 10^9$ /л дан паст ($p < 0,001$).
2. ИЛ-6 кўрсаткичи 20 пг/мл дан юқори ($p < 0,001$).
3. Ферритин кўрсаткичи 1200 нг/мл дан юқори ($p < 0,001$).
4. Прокальцитонин кўрсаткичи 0,5 нг/мл дан юқори ($p < 0,001$).
5. С-реактив протеин кўрсаткичи 100 мг/мл дан юқори ($p < 0,001$).
6. Д-Димер кўрсаткичи 1000 нг/мл дан юқори ($p < 0,001$).
7. Фибриноген кўрсаткичи 6 г/л дан юқори ($p < 0,001$).
8. МСКТ бўйича ўпка зараланиши 25% юқори ($p < 0,001$).
9. Қандли диабет ($p < 0,001$).
10. Артериал гипертензия ($p < 0,001$).
11. Атеросклероз брахиоцефал артерияларда ($p < 0,001$).
12. Юрак ишемик касаллиги ($p < 0,01$).
13. Бўлмачалар фибрилляция ($p < 0,001$).
14. Чекиш ($p < 0,05$).
15. Дислипидемия ($p < 0,01$).
16. Эркак жинси ($p < 0,05$).

ИИ ва ЦВТга дучор бўлган беморларда бундай хавф омилларининг юқори частотаси профилактикани таъминлаш, ИИ ва ЦВТ билан касалланиш ва ўлимни камайтириш учун жуда муҳимдир.

Диссертациянинг тўртинчи бобида **“Оғир COVID-19да цереброваскуляр асоратларини прогноз қилиш”** деб номланган Баеснинг интенсив кўрсаткичлар ёрдамида оғир COVID-19 билан оғриган беморларда ўткир цереброваскуляр асоратлар мутлақ ва нисбий хавфини ўрганиш маълумотлари тақдим этилади. ТТА Жамоат саломатлиги мактаби (проф. Маматқулов Б. ва бошқалар) томонидан модификациясида, мазкур прогностик кўрсаткич тромботик асоратлар учун ҳам, цереброваскуляр асоратлар учун ҳам тааллуқли ҳисобланган.

**2-жадвал. COVID-19 билан касалланган беморларда
цереброваскуляр асоратлар учун нисбий ва мутлақ хавф
кўрсаткичлари.**

Хавф омили	Хавф омили градиацияси	Соғайганлар	Тромболик асоратлар билан	Абсолют хавф	Нисбий хавф	Прогностик кўрсаткич
Қўлланган антикоагулянт (n=580)	Гепарин	176	15	0,079	6,07 (гепарин vs эноксапарин и ривароксабан)	0,48
	Эноксапарин	213	3	0,014		0,085
	Ривароксабан	171	2	0,012		0,07
Ёши (n=580)	<60	335	9	0,026	1,78	0,05
	>60	225	11	0,047		0,08
Тромбоцитлар кўрсаткичи (n=580)	<=100	13	10	0,435	24,22	10,53
	>=100	547	10	0,018		0,43
МСКТ бўйича ўпка зарарланиши (n=580)	<25%	296	2	0,007	9,12 (<25% vs >25%)	0,06
	25-50%	180	12	0,063		0,58
	50-75%	66	3	0,043		
	>75%	18	3	0,14		
ҚД (n=580)	Бор	117	16	0,12	13,44	1,61
	Йўқ	443	4	0,009		0,12
АГ (n=580)	Бор	129	15	0,104	9,08	0,95
	Йўқ	431	5	0,011		0,10
Семизлик (n=580)	Бор	151	9	0,056	2,15	0,12
	Йўқ	409	11	0,026		0,06
ЮИК (n=580)	Бор	178	12	0,063	3,08	0,19
	Йўқ	382	8	0,021		0,06
БФ (n=580)	Бор	51	8	0,136	5,89	0,80
	Йўқ	509	12	0,023		0,14
ЦАС (n=580)	Бор	113	11	0,089	4,5	0,40
	Йўқ	447	9	0,02		0,09
ДСЛП (n=580)	Бор	100	9	0,083	3,53	0,29
	Йўқ	460	11	0,023		0,08
Чекиш (n=580)	Бор	68	6	0,081	2,93	0,24
	Йўқ	492	14	0,028		0,08
Статин истеъмол	Бор	90	13	0,126	8,6	1,09

қилиш (n=580)	Йўқ	470	7	0,015		0,13
Д-Димер, нг/мл (n=580)	>1000	111	18	0,140	31,47	4,39
	<1000	449	2	0,004		0,14
Прокальцитонин, нг/мл (n=580)	>0,5	56	16	0,222	28,22	6,27
	<0,5	504	4	0,008		0,22
СРП, мг/мл (n=580)	>100	131	13	0,09	5,62	0,51
	<100	429	7	0,016		0,09
ИЛ-6, пг/мл (n=99)	>20	32	7	0,18	10,95	1,97
	<20	60	0	0,016		0,18
Ферритин, нг/мл (n=242)	>1200	73	18	0,198	14,93	2,95
	<1200	149	2	0,013		0,20
Фибриноген, г/л (n=580)	>6	99	18	0,154	35,61	5,48
	<6	461	2	0,004		0,15

Минимал ва максимал прогностик кўрсаткичларни йиғиш йўли билан ҳисобланган $\Sigma \text{Min}=2,45$, $\Sigma \text{Max}=38,93$ ташкил этади. Демак, прогностик кўрсаткичлар йиғиндиси 2,45 га тенг бўлса, цереброваскуляр асоратлар ривожланиш эҳтимоли 1% дан кам бўлади. Прогностик кўрсаткич 38,93 га тенг бўлган ҳолда, цереброваскуляр асоратлар ривожланиш эҳтимоли 100%га яқинлашади.

3-жадвал. Оғир COVID-19да цереброваскуляр асоратлар прогностик шкаласи.

Цереброваскуляр асоратлар ривожланиш хавфи	Хавф диапазони кўрсаткичлари	Хавф гуруҳи
